

Туркия ҳақида қисқача маълумот



19:00 / 11.11.2021 6159

Пойтахти: Анқара

Давлат раҳбари, президент – Режеп Таййип Эрдуғон.

Аҳолиси: 84.34 миллион киши (2020 йил ҳисобига кўра).

Йирик шаҳарлари: Истанбул, Измир, Анқара, Анталия, Бурса.

Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Эрон, Ироқ, Сурия, Греция, Болгария давлатлари билан чегардош.

Мустақиллик куни: 29 октябрь, 1923-йил

Туркия –Европанинг жануби-шарқида ва Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган, Византия, Рим, Форс ва қадимги Юнон маданиятларини ва Усманийлар турк султонлиги маданиятларини ўзига жо қилган давлатдир. Босфор бўғози қирғоқларида ястаниб кетган кўп миллатли Истанбул ўзига кўплаб сайёҳларни жалб этиб, осмонга миноралари бўй чўзган машҳур Аё София масжиди, ҳашаматли 17-асрда қурилган Кўк Масжид ва 1460 –йилларда қурилган Тўпқопи саройи- усмонли султонларнинг собиқ қароргоҳидир.

Мамлакатда 81та музофот мавжуд. Иқтисодий салоҳиятига кўра, Туркия дунёдаги катта 20 таликка кирувчи давлатлардан бири.

Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Бунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғоннинг сиёсий иродаси, қатъияти муҳим асос бўлди. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда.

Маълумотлар асосида Бобур Аҳмад тайёрлади